# Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 6 МАЙ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (13.157)

Баҳоси эркин нархда


## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МУСТАҲКАМЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

***Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи мамлакатларидан бири сифатида Ўзбекистон ушбу ташкилотга аъзо бўлган бошқа давлатлар қаторида ШҲТ ривожланишининг стратегиясини белгилайди. Бу йўналишда ташкилот иш бошлаган 2001 йилдан эътиборан айнан мамлакатимиз саъй-ҳаракатлари билан унинг фаолиятини такомиллаштириш, ташкилот иштирокчилари, шунингдек, бошқа умумбашарий ва минтақавий институтлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда мустаҳкамлаш борасида салмоқли муваффақиятларга эришилди.***

Ўзбекистон, ШҲТ Хартиясида белгилаб қўйилганидек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақа давлатларининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ошириш, ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ҳамда халқаро нуфузини юксалтиришга йўналтирилган мақсадлар, вазифа ва тамойилларга қатъий риоя этилишининг тарафдоридир. Блок бўлиш ёки қарама-қарши туриш йўналишидан холи ушбу тизимнинг очиқлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ШҲТга биринчи маротаба раислик қилган даврда (2003-2004 йиллари; мамлакатимиз бу бирлашмани иккинчи маротаба 2009-2010 йилларда бошқарган) ташкилотнинг институционал шаклланиши нуқтаи назаридан муҳим ҳужжатлар: ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом ва ШҲТнинг кузатувчилар билан ҳамкорлиги тартиби имзоланди. Натижада 2004 йили Мўғулистон, 2005 йили эса Ҳиндистон, Покистон ҳамда Эрон кузатувчи мамлакат мақомини олди. Бундан ташқари, Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши ҳам диққатга молик воқеа бўлдики, у гиёҳвандлик хавфига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратди.

Шу билан бирга, 2004 йилнинг январидан бошлаб Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) фаолият кўрсата бошлади. Доимий асосда иш олиб борадиган ушбу орган ШҲТга аъзо давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматларининг радикал, тажовузкор экстремизм ҳамда айирмачиликка, уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва амалий ҳамкорлиги учун самарали восита бўлиб қолди.

*(Давоми 2-бетда)*

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



О.ҒУЛОМОВ олган сурат

***Қариси бор уйнинг париси бор, дейди халқимиз. Нуроний отахону онахонларимизнинг насиҳати, ҳаёт сабоғи, эзгу дуолари файзу барака омилидир.***

## ОСУДА КУНЛАР ҚАДРИ

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Мискин номидаги маҳаллада истиқомат қилаётган Анвар ота Шомақсудовнинг хонадони ҳам шундай файзли, фаришталари. Йўқлаб борганимизда у киши шинам ҳовлидаги хурмо соясида набираси Мунирага ёшлик йиллари ҳақида сўзлаб бераётган экан.

А.Шомақсудов ўн саккиз ёшида урушга кетган. Жангда оғир жароҳатланиб, ўнг қўлидан айрилган.

Илмга қизиқиш уни ўқишга ундади. Ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини битириб, филология ва журналистика факультетларида ўзбек тили стилистикаси фанидан сабоқ берди. Ушбу факультетларда узоқ йиллар декан сифатида фаолият кўрсатди. Рафиқаси Мастура Зоирова ҳам ўқитувчилик касбини танлаб, кўп йиллар ўқувчиларга география фанидан таълим берди. Улар тўрт фарзандни эл корига ярайдиган, илмфан ривожига муносиб ҳисса қўшаётган мутахассислар қилиб вояга етказишди. Қўша қариган пиру бадавлат нуронийлар фарзандлари, невара-чеваралари ардоғида фаровон ҳаёт кечирмоқда.

– Кенжа набирам Мунира ҳам суянчим, ҳам овунчоғим. У доим мен билан бирга, – деб гап бошлади отахон. – Набираларимнинг, бугунги авлоднинг фикри тиниқлиги, билимлилиги, ҳозиржавоблигини кўриб, Ватан учун, тинчлик учун қилган меҳнатларимиз зое кетмаганига қувонаман.

Барча уруш ва меҳнат фахрийлари сингари Анвар ота ҳам эл-юрт ардоғида. Президентимиз Ислом Каримов фармонига мувофиқ А.Шомақсудов "Жасорат" медали билан, "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан тақдирланган.

А.Шомақсудов қўл остида ўқиган инсонлар бугунги кунда журналистика, филология, санъат, маданият соҳаларида фаолият юритмоқда. Улар домлани доим миннатдорлик билан эслашади, у кишининг талабчанлиги, инсонийлиги ҳақида сўзлаб юришади.

Президентимиз раҳнамолигида кекса авлод вакилларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Улар учун қўшимча қулайликлар, имтиёзлар яратилган.

– Яқинда "Турон" санаторийсида бепул даволандим, – дейди ЎзА мухбирига А.Шомақсудов. – Дўхтирлар уйимизга ҳам тез-тез келиб, соғлиғимдан хабар олиб туришади. Қаерга бормай халқимизнинг, айниқса, талабаларим, шогирдларимнинг ардоғидаман. Байрам кунлари уйимиз тўйхонага айланиб кетади. Бугун эрталаб ҳам хоразмлик шогирдим келиб хабар олиб кетди. Бу каби эътибор ва меҳр биз, кексаларнинг умрини узайтиради, кўнглини тоғдек кўтаради.

Анвар ота тўқсон икки баҳорни қаршилади. Теран фикрлари, хуш кайфияти кишига завқ бағишлайди. Сўзи ҳикмат, ҳаёти ибрат бўлиб, барчани бугунгидек тинч, фаровон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

– Минг шукрки, мустақиллик барчамизга янгича турмуш, фаровон ва осуда ҳаёт инъом этди, – дейди отахон. – Президентимиз раҳнамолигида ёшларимиз учун яратилган чексиз имкониятларни кўриб, чин дилдан қувонаман. Бу фарзандларимиз учун энг катта бахт. Ёшлар қатори биз, кексалар ҳам юксак эътиборни доимо ҳис қилиб яшамоқдамиз.

Кетишга чоғланиб турганимизда Олмазор тумани ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари, шифокорлар, санъаткорлар, ўқитувчи ва ўқувчилар келиб қолди. Президентимизнинг жорий йил 18 апрелдаги фармонига мувофиқ пул мукофоти, дори-дармонлар ва совғалар топширишди. Ҳамма ҳол-аҳвол сўрашиб, табрик сўзлар айтишиб, учрашув байрамга айланиб кетди.

Отахон меҳмонларни кўчага кузатиб чиқар экан, дуога қўл очди: илоҳим, юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин. Фарзандларимиз соғ-саломат, бахтли-тахтли бўлсин, ҳеч қачон кам бўлмасин!

Табаррук ёшдаги инсонларнинг дуоси албатта ижобат бўлади.

**Гўзал САТТОРОВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Жиззахда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда таниқли адиблар, олимлар, санъат намояндалари, ёшлар иштирок этди.**

● **Навоийда "Менинг бизнес ғоям" республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида 100 нафар истиқболли лойиҳа ва ғоя ташаббускорлари иштирок этди. Мутахассислар хулосасига кўра, 10 нафар ёшнинг бизнес режалари маъқулланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.**

● **Самарқанд шаҳридаги "Афросиёб" спорт мажмуасида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан нафақадаги онахонлар ўртасида спорт-соғломлаштириш мусобақаси ўтказилди.**

● **Хоразмда "Оилалар саодати – мустақиллик самараси" кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг минтақавий босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидан сараланган ибратли оилалар белгиланган шартлар бўйича ўз билим ва иқтидорини намойиш этди.**

### ЖАҲОНДА

● **Европа Иттифоқи ва Япония жорий йил охиригача эркин савдони йўлга қўйиш юзасидан битим имзолаш ҳақида келишиб олишди.**

● **Бельгиялик Жефф Питерс Гиннеснинг Рекордлар китобига кириш мақсадида дунёдаги энг оғир велосипедни ясади. Оғирлиги 860 килограмм, баландлиги 2,26, узунлиги эса 5,03 метр бўлган баҳайбат велосипедда у тегишли масофани босиб ўтиб, ўз мақсадига эришди.**

● **Оламга машҳур "Forbes" нашри таҳлилчилари 2015 йил якунларига кўра жаҳондаги энг кўп даромад ишлаган футбол клубларининг рўйхатини эълон қилишди. Унга кўра, 2014/15 йилги мавсум якунларига мувофиқ 190 миллион АҚШ долларини ишлаб топган Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби биринчи ўринни эгаллади. Дастлабки учликка 162 миллион долларлик фойда билан Испаниянинг "Реал" ва 131 миллион доллар ишлаган Англиянинг "Манчестер Сити" жамоалари кирди. Қизиғи шундаки, бугунги кунда Испаниянинг ва жаҳоннинг энг кучли клуби ҳисобланмиш "Барселона" клубига фақат олтинчи ўрин насиб этди.**

**Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари**

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ САЙЛОВИ БОШЛАНДИ

***Хабар қилинганидек, мамлакатимизда 5 майдан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май-июнь ойлари этиб белгиланган. Бўлажак сайловда 9 минг 764 фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланади.

Сайлов жараёнида фуқаролар ўзлари танлаган, муносиб номзодга овоз беради.

– Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ишчи гуруҳи раҳбари Толибжон Мадумаров. – Овоз бериш шакли фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)да аниқланади. Бунда раислик қилувчи сайлов мажлисида бу масалани овозга қўяди ва фуқаролар йиғинининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади.

Йиғилишга раислик қилувчи кўрсатилаётган ҳар бир номзодни таништириб ўтади. Номзодлар ҳам ўзининг дастури ва истиқболдаги режаларини баён этади.

Очиқ овоз бериш ҳар бир номзод бўйича ишчи гуруҳига келиб тушган таклифлар тартибига қараб ўтказилади. Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроқ овозини олган номзод ғалаба қозонган саналади. Саноқ комиссияси овозлар сонини ҳисоблаб, фуқаролар йиғини қарорини эшиттиради.

Яширин овоз беришда фуқароларнинг ўзи хоҳлаган номзодга ҳеч кимнинг назоратисиз овоз бериши таъминланади. Овоз бериш бюллетенлари фуқаролар йиғинларига саноқ комиссияси томонидан овоз беришдан олдин тарқатилади. Бюллетенлар Олий Мажлис Сенати томонидан белгиланган намунада ва шаклда тайёрланган.

Сайловнинг биринчи куни мамлакатимизнинг бир қатор маҳаллаларида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайланди. Хусусан, пойтахтимизнинг Яшнобод тумани "Беҳизор" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда маҳалла аҳолиси номидан 40 нафар вакил иштирок этди. Фуқаролар йиғини раислигига 3, маслаҳатчи лавозимига 30 номзод кўрсатилган. Сайловчилар уларнинг фаолият дастури билан танишди ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда фуқаролар йиғини раиси ва унинг 15 нафар маслаҳатчиси сайланди.

Сайлов шу йил июнь ойининг охиригача барча фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтади.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МУСТАҲКАМЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қайд этиш ўринлики, жорий йил 8 апрелида пойтахтимизда бўлиб ўтган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги 28-мажлиси чоғида ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш якунлари ҳамда бошқа ҳужжатлар ижросининг бориши муҳокама қилинди.

2004 йили Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари Котибларининг учрашуви институти тузилди. У ШҲТ доирасида хавфсизлик соҳасидаги мувофиқлаштирувчи-маслаҳат механизми ҳисобланади. Ўша йилнинг июнидаёқ Тошкентда бу институтнинг биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Ўшандан буён ушбу учрашув ҳар йили ўтказилади ва у хавфсизлик соҳасидаги вазиятни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда баҳолаш, ШҲТ мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Бундай учрашувлар доирасидаги музокаралар анъанавий ва янги хавф-хатарларга ўз вақтида муносабат билдиришда умумий ҳамда ўзаро мақбул ёндошувларни ишлаб чиқишга кўмаклашаётгани баробарида, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасида ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошираяпти.

2016 йил 13-14 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг раислигида ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш чоғида ШҲТ ҳудудида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар, терроризм, сепаратизм, экстремизм, қуроляроғ ва наркотикларнинг ноқонуний айланиши ҳамда бошқа замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, 2010 йили (Ўзбекистоннинг ШҲТдаги иккинчи раислиги даврида) ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилотнинг ташқи алоқаларини кенгайтириш, кенг минтақадаги тинчликни, осойишталик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича вазифалар самарали ҳал этилишига йўналтирилган ҳужжатларнинг салмоқли туркуми имзоланди.

Масалан, мамлакатимизнинг иккинчи раислиги даврида олиб борилган фаол дипломатик ишлар туфайли 2010 йилнинг апрелида — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мунинг ташрифи чоғида Тошкентда БМТ ҳамда ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Мазкур ҳужжат икки бирлашма ўртасидаги расмий ҳамкорликнинг ибтидоси бўлди.

Қўшма декларация ҳуқуқий пойдеворни мустаҳкамлаш, ШҲТнинг халқаро нуфузини ошириш ва унинг БМТ тузилмалари билан алоқаларини ривожлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ташкилотнинг 2010 йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган саммити чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов баён этганидек, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши "ШҲТ олдида турган вазифаларни ҳал этишда БМТ минбаридан янада фаолроқ фойдаланиш, жумладан, унинг доирасида ШҲТга аъзо давлатларнинг манфаатларини ифодаловчи масалаларни биргаликда илгари суриш имконини беради".

ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланиши ўз аҳамияти билан навбатдаги воқеа бўлдики, унинг қабул қилинишида Ўзбекистоннинг фаол иш олиб боргани ташкилотга аъзо барча давлатларнинг консенсусга ҳамда уларнинг ёндошувлари бирлашувига эришилишига кўмаклашди. ШҲТ янада кенгайиши учун ҳуқуқий заминнинг яратилишида муҳим қадам бўлган мазкур ҳужжат ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомини олишни истаган давлатларнинг мувофиқлиги лозим бўлган асосий мезонларни белгилаб берди. Бу билан дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун тобора жозибали аҳамият касб этаётган ушбу ташкилотнинг очиқ эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан ва унинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда 2010 йили қабул қилинган ШҲТ процедураларининг қоидалари мазкур ташкилотнинг янада тараққий этишига ҳамда унинг фаолиятидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилди. Ушбу ҳужжат қабул қилингунига қадар ташкилот доирасида меъёрий-ҳуқуқий актлар юзасидан ташаббус кўрсатиш, ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилиш бўйича ягона қоида мавжуд эмас эди. Унга ШҲТ фаолиятининг асосий тамойили – ташкилот доирасида фақат консенсус асосидагина қарор қабул қилинишининг муҳрлаб қўйилгани мазкур ҳужжатнинг муҳим муваффақиятларидан бири бўлди.

Шуни қайд этиш ўринлики, юртимизнинг ташкилотга иккинчи раислиги даврида илм-фан ҳамда техника бўйича ШҲТга аъзо давлатлар вазирлик ва идоралари раҳбарлари учрашувининг механизми ишга солинди. Бундан ташқари, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

2015-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси ШҲТга яна бир бор раислик қилмоқда. Ушбу масъулиятли миссия ташкилот ташкил этилганининг 15 йиллиги билан тўғри келди.

Ушбу давр оралиғида хавфсизликка таҳдидларга қарши биргаликдаги курашни кучайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш, аъзо давлатларнинг изчил тараққиётини таъминлаш, ташкилотнинг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш сингари вазифалар диққат-эътиборда бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизнинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йили ШҲТ фаолиятининг асосий йўналишларида аниқ-равшан натижаларга эришилди. Масалан, 2015 йил сентябрида Камбоджа Қироллигига ШҲТнинг мулоқот бўйича шериги мақомини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланди. Жорий йилда ана шундай ҳужжатлар Озарбайжон, Арманистон ва Непал билан ҳам имзоланди. Жанубий Осиёдаги икки йирик давлат — Ҳиндистон Республикаси ҳамда Покистон Ислом Республикасини ШҲТга қабул қилиш бўйича музокаралар жараёни давом этаётир.

Май ойининг охирида ШҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси бўлиб ўтади. Июнь ойида эса маданият вазирлари мажлиси, шунингдек, Банклараро бирлашма кенгаши ҳамда Ишбилармонлар кенгаши бошқарувининг мажлисларини ўтказиш режалаштирилган. ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси асосий тадбир бўлади, албатта. Саммит якуни бўйича ташкилотнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилаяпти.

Ўтган йиллар тажрибасини ҳисобга олиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ҳозирги, учинчи раислигининг якунлари ҳам белгиланган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ушбу тузилманинг салоҳиятини янада кучайтиришга, мазкур бирлашма фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш ҳамда унинг жаҳон майдонидаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

**"Жаҳон" АА**

## ИННОВАЦИОН ЯРМАРКА: ЯКУН ВА ИСТИҚБОЛ

***Пойтахтимизда шу йилнинг 11 май куни IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси иш бошлайди.***

Инновациялар давлатнинг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, янги саноат технологияларини жорий қилиш, инновация-инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни янада юксалтириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш инновацион фаолият билан бевосита боғлиқ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган иқтисодий тараққиёт йўналиши инновацион иқтисодиётга қаратилган.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, мамлакатимизда 9 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси инновацион тараққиётни жадаллаштиришдек муҳим вазифани ҳал этиш йўлида саноатчилар, олим ва тадбиркорлар саъй-ҳаракатларини интеграциялаштиришга хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида ўтган I-VIII ярмаркалар доирасида мамлакатимизда яратилган 3,9 мингдан зиёд ишланма тақдим этилиб, умумий қиймати 112,6 миллиард сўмлик 3,1 мингдан ортиқ шартнома имзоланди.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу шартномаларнинг 47 фоизи қишлоқ хўжалиги, 38 фоизи турли саноат тармоқлари, 6 фоизи соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, 3 фоизи ахборот технологиялари соҳасига тўғри келади. Сўнгги 8 йилда "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзкимёсаноат" ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятлари, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси каби йирик корхона ва компаниялар мазкур шартномаларни амалга ошириб келмоқда. Натижада қарийб 60 номдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 55 га яқин турдаги тажриба намуналари тайёрланиб, 100 дан ортиқ ташкилот, корхона ва фермер хўжаликларига илмий-техник хизмат кўрсатилди. Умумий қиймати 1,8 триллион сўмдан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Бу шундан далолат берадики, ўтказилган ярмаркалар юртимиз олимлари ва ишлаб чиқарувчилари ўзаро ҳамкорлигининг ўзига хос самарали механизми бўлиб, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёнини фаоллаштириш, йирик корхоналарда олимларимиз томонидан яратилган инновацион ишланмаларни жорий этиш имконини бермоқда.

Масалан, Умумий ва ноорганик кимё институти 2007-2012 йилларда маҳаллий технологиялар асосида ишлаб чиққан импорт ўрнини босадиган янги ўғит ва дефолиантлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда ва хорижга экспорт қилинаётир. Жумладан, "Самарқандкимё" акциядорлик жамиятида нитрокальцийфосфат ўғити, "Навоийазот" ва "Фарғонаазот" акциядорлик жамиятларида азотфосфор ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг йирик кон-металлургия комбинатларида Умумий ва ноорганик кимё институтининг кўплаб инновацион ишланмалари, хусусан, суюқ сульфат кислота чиқиндиси ва сувни тозалайдиган фильтрация тизими, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг янги турдаги чанг тозалаш асбоблари, Микробиология институтининг мисни бактериал ажратиб олиш технологияси ва бошқа ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий ишланмалари ҳам кенг қўлланилмоқда. Тола сифати юқори бўлган, қурғоқчилик ва касалликларга чидамли 15 дан ортиқ янги ғўза навлари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида етиштирилмоқда. Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё, Полимерлар кимёси ва физикаси институтлари томонидан ўтган йилларда рагосин, гозалидон, экдистен, аюстан, рутан, госситан, гетасан, пунитан каби янги дори препаратларини саноат асосида ишлаб чиқариш бўйича юқори самарали технологиялар яратилди. Мамлакатимиз фармацевтика корхоналари ушбу препаратлар асосида янги технологияларни қўллаган ҳолда, 30 дан ортиқ турдаги янги дори-дармонлар ишлаб чиқармоқда.

Иқтисодиёти жадал ривожланаётган Ўзбекистонда энергетика соҳаси, жумладан, муқобил энергетикани ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётир. "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти мутахассислари бу борада кўплаб технологиялар яратди. Институт қошида ташкил этилган корхонада қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган турли фотоэлектр тизимлар, жумладан, электр ва иссиқлик энергияси олиш учун комбинацияланган ҳамда сув иситиш учун паст потенциалли тизимлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу тизимлардан асосан фермерлар, чорвачилик ва асаларичилик хўжаликларида фойдаланилмоқда.

IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида 600 инновацион ғоя ҳамда ишланмалар тақдим этилади.

Жорий йилда анъанавий йўналишлардан ташқари, мамлакатимиз илмий ташкилотлари ва университетлар томонидан ишлаб чиқилган, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қайта тиклашни таъминлайдиган 50 дан ортиқ инновацион технологиялар, қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш услубларини ўз ичига олган янги "Экотехнология" йўналиши намойиш этилади. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари учун ташкил этиладиган "Юқори технологиялар" йўналишида қарийб 30 илғор инновацион ишланма тақдим этилади. Энергия ва ресурс тежайдиган 50 ишланма намойиш қилинадиган "Энергия ва ресурс тежайдиган технологиялар" йўналиши ҳам саноат корхоналари, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларида катта қизиқиш уйғотади. Бундан ташқари, навбатдаги ярмаркада ёш олимлар ва талабаларнинг 70 та ишланмаси иштирокчилар эътиборига ҳавола этилади.

Мухтасар айтганда, IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси фундаментал ва амалий илм-фаннинг янада интеграциялашуви, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини беради.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**Бандлик дастури — амалда**

## БИТИРУВЧИЛАР БИЛАН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛДИ

***Тошкент давлат аграр университетида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент вилояти бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Фермерлар кенгаши, "Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир битирувчиларга ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш учун имконият яратди. Улар корхона ва ташкилотлар, муассасалар, хусусий фирмалар томонидан ўрнатилган кўргазмали воситалар ёрдамида мавжуд иш ўринлари, талаб ва таклифлар ҳақида батафсил маълумот олди.

– Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси йўналишини тамомламоқдаман, – дейди Самар Маҳмудов. – Ушбу йўналишлар бўйича таклиф этилаётган иш ўринлари менга маъқул бўлди.

Ярмаркада қирқдан зиёд ташкилот икки юзга яқин битирувчи билан меҳнат шартномалари тузди.

Тадбир доирасида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари учун "Очиқ эшиклар куни" ҳам ташкил этилди. Ўқувчи-ёшлар агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, селекция, зоотехника, ипакчилик, ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимликлар каби бакалавр йўналишлари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА**

## КОЛЛЕЖДА СЕРВИС МАРКАЗИ

***Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ва "Samsung Electronics" компанияси ҳамкорлигида ўтган йили Samsung сервис маркази ташкил этилган эди. Коллежда мазкур марказ тажрибасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Samsung Electronics" компанияси вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Экоҳаракат марказий кенгаши раиси ўринбосари С.Сангинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётганини таъкидлади.

"Samsung Electronics" компанияси билан ҳамкорликда Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида рақамли телевизор, мобиль телефонларни таъмирлаш хизматларини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилди. Коллежда шундай мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

– Ҳар қандай қурилмани таъмирлаш атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ, – дейди ЎзА мухбирига раҳбари Отабек Умрбеков. – Телефон ишлаб чиқариш моддий ва энергетика ресурслари учун талабни оширса, уни таъмирлаш экологик таъсирни камайтиради, чиқиндилар кўпайишининг олдини олади, маблағни тежайди.

Лойиҳа доирасида иштирокчиларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча ўқув машғулотлари олиб борилади. Бу эса ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, узлуксиз экологик таълимни ривожлантиришга кўмаклашади.

**Н.НАСРИЕВ**



**Транспорт**

## МЕҲНАТ ВА ДАМ ОЛИШ ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛАНМОҚДА

***Қаерда ишлаш ва дам олиш шароитлари яхши ташкил этилган бўлса, ўша ерда иш унуми юқори бўлиб, муваффақиятлар сари йўл очилади. Кейинги пайтларда шаҳримиздаги "8-автосарой" акциядорлик жамияти томонидан ҳам ана шу масалаларга муҳим эътибор қаратилмоқда.***

Яъни, аввалambор ишчи-хизматчиларга тегишли шарт-шароитлар яратиш мақсадида 150 квадрат метрлик енгил автомобилларни сақлаш жойи тайёрланди ва айвон сифатида томи ёпилди. Автосаройга кириш қисми ва сарой ҳудудидаги 600 квадрат метрлик кўкаламзорлаштирилган майдонга майса экилди, ушбу ҳудудга 25 туп мевали, 60 туп манзарали дарахтлар ва 600 туп гул кўчатлари ўтқазилди.

Автосарой ҳудудида ишчи-хизматчиларнинг дам олишлари учун иккита соябонли ҳордиқ чиқариш жойлари қурилди.

150 погон метр ариқ тозаланди ва 3,7 гектар майдон тартибга келтирилди, футбол майдонидаги ўриндиқлар бўялди.

Ободонлаштириш ва орасталаш ишлари шоҳбекатларда ҳам амалга оширилди. Жумладан, автосарой тасарруфидаги автошоҳбекатларнинг бино ва майдончалари таъмирдан чиқарилди, тозаланди ва бўяш ишлари бажарилди.

Албатта, кишининг бахридилини очадиган шундай шарт-шароитлар яратилганидан кейин иш самараси кўтарилиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ошмоқда.

— Юқоридаги барча ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари автосарой ишчи-хизматчиларининг ташаббуси ва ўз куч-маҳоратлари билан амалга оширилди, — дейди ишлаб чиқариш-техник бўлими бошлиғи Маъруф Сотиболдиев. — Ушбу ишларни бажаришда айниқса автосарой ҳайдовчилари Шарофиддин Умаров, Раҳматилла Бухаров, пайвандчилар Саидмурод Қосимов, Ҳусан Қосимов, электрмонтёр Расулжон Каримов ҳамда фуқаро муҳофазаси муҳандиси Адҳам Аҳмедовлар яқиндан бош қўшишди.

**Даврон НУРМАТОВ**
**СУРАТДА: автосаройда ободонлаштириш ишлари давом этмоқда**

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

# ВАТАНПАРВАРЛАР ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ

***Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида "Ватан эркинлиги учун ўз жонини қурбон қилганлар хотираси ҳамиша барҳаёт" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***



Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, маънавият тарғиботчилари, билим юрти курсантлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи Ш.Икромов ва бошқалар ўтганлар хотирасини муқаддас билиш, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш миллий маънавиятимизнинг узвий қисми эканини таъкидлади. Президентимиз раҳнамолигида уруш қатнашчилари, ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фахрийлар билан ёшлар ўртасидаги учрашувлар мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Фахрийлар ўз ҳаёти ва ўтган машаққатли кунлардан мисоллар келтириб, ёшларга бугунги тинч-осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш ҳамда уни ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидламоқда.

– Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга бебаҳо ҳисса қўшган ота-боболаримизнинг умр йўли, ҳаётий тажрибалари билан танишиш биз учун ниҳоятда ибратли бўлди, – дейди Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Асилбек Алиев. – Тинчлик деган улуғ неъматнинг доимо қадрига етиш кераклигини, уни асраш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканини яна бир бор англадик.

Тадбирда тинчликни, Ватан ва одамийликни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар янгради.

**Н.НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# САНЪАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ФЕСТИВАЛИ

***Шаҳримиздаги Ёшлар ижод саройида "Ёшлик завқи" замонавий рақс ижрочилари кўрик-фестивалининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳамда гала-концерт бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган якка ва жамоавий гуруҳлар иштирок этди.

– Мазкур фестиваль, ўсиб келаётган ёш авлод талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда замонавий рақс санъати турларини ривожлантириш, уларнинг маънавий оламини бойитиш, маданий савиясини юксалтириш, санъат ва гўзалликка интилишини кучайтириш, ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишлари, ижодий фаоллиги ҳамда иқтидорини рағбатлантириб бориш мақсадида ташкил этилди, – дейди Ёшлар маданият ва санъати маркази матбуот хизмати бош мутахассиси Фаррух Юнусов биз билан суҳбатда.

Қуйи босқичда икки мингга яқин ёшлар ижро маҳорати, актёрлик қобилияти, саҳна маданиятини синовдан ўтказдилар. Танловнинг якуний босқичида эса, икки юзга яқин раққос ва раққосалар беллашди.

Иштирокчиларнинг саҳна ҳаракати, ижодий чиқишлари янгилиги, жамоавий ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги жиҳатлари маданият ва санъат арбоблари, танлов қатнашчилари томонидан баҳолаб борилди.

"Энг яхши замонавий рақс" номинациясида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари Асал Қаюмова ва Одилбек Кожамберганов биргаликда ижро этган рақси биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Иштирокчилар "Артистлик маҳорати учун", "Оригинал ғоя учун", "Энг ёш иштирокчи", "Энг яхши эстрада спорт рақси", "Пластик ижро учун", "Мухлислар олқиши учун", "Энг ёш жамоа" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

# КЕЧАГИ КУНЛАР ЁДИ

***Айни кунларда пойтахтимиздаги таълим муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллаларда 9-май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамини нишонлаш ҳамда "Тинчлик" дарсларини ўтказиш юзасидан, "Тинчлик— энг азиз неъмат" мавзуида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.***

Тегишли дарслар ва тарбиявий соат машғулотларида Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамининг моҳияти ва мақсади тушунтириб берилмоқда.

Дарслар орқали ёшлар онгу шуурига она Ватанга муҳаббат, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаётидан фахрланиш, уларни эъзозлаш, ўтганларни хотирлаш, тинч ва осуда кунларнинг қадрига етиш ва тинчлик учун барча бирдай масъул эканлиги яна бир бор сингдирилмоқда.

Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежида ўтказилган давра суҳбати ҳам юқоридаги мавзуга бағишланди. Мазкур коллеж директори Дилмурод Сайдамов ва бошқалар Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун-моҳияти, тинчликнинг қадрига етиш, ёшларни она Ватанга муносиб фарзандлар этиб тарбиялаш, уларнинг онг ва тафаккурини янада юксалтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Жумладан улар, инсон маънавий ҳаётида хотирлаш анъанаси ўтмиш билан бугун, кечаги кун билан келажак ўртасидаги ришта сифатида улуғланиши ҳақида фикр юритди.

Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Т.Киргизбоев "Диний экстремизм за терроризм — жамият тараққиётига таҳдид", Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори Ж.Холмўминов "Огоҳлик ва хавфсизлик — ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи", Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши бош референти М.Абдуллаевалар-нинг "Хотира боқийдир, қадр-муқаддас" мавзуларида маърузалари эшитилди.

— Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун ёнимизда юрган, эл-юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Асомиддинова. — Хотира ва қадрлаш куни барчани Ватанимиз озодлиги учун жон фидо этган, юрт фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилганларнинг порлоқ хотирасига ҳурмат, иззат кўрсатишга даъват этади. Айниқса ёшларни ўтганлар хотирасини ёд этиш, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, бугун невара-чевараларидек ғамхўрлик кўрсатаётган отахону онахонларни қадрлашга, уларнинг ўгитидан ибрат олишга ундайди.

Дарҳақиқат, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ўзининг жасорати билан муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз, уруш орти фронтида жонини фидо қилган ватандошларимиз қаҳрамонлиги ҳеч қачон унутилмайди. Барчамизга ибрат, ўрнак бўлиб, ёнимизда яшаётган нуроний отахону онахоналаримиз қадрини баланд тутишга чорлайди.

"Тинчлик — энг азиз неъмат" мавзуидаги тадбирлар Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейда, Учтепа туманидаги 107, Яккасарой туманидаги 127-умумтаълим мактабларида ва Сергели политехника касб-ҳунар коллежида ҳам юксак савияда ўтказилди.

"Қадрият, эътибор ва эъзоз", "Ватан эркинлиги учун ўз жонини қурбон қилганлар хотираси ҳамиша барҳаёт" мавзуларидаги учрашувлар ва давра суҳбатларига уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда эл-юрт ҳурматидаги нуронийлар таклиф этилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

***Хонадонимизнинг кўрки ва файзи бўлган пиру бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама қадрлаш, ҳурмат-иззатини жойига қўйиш халқимизга хос фазилат.***

# НУРОНИЙЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗДА

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Сергели туманидаги Аҳмад-ал-Фарғоний номли маҳаллада нуроний отахонларнинг мазмунли дам олишларига янада шарт-шароит яратиш мақсадида мўъжазгина "Нуронийлар" жамоат маркази биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кексалар кўнглини тоғдек кўтарган ушбу бинода уларнинг бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашишлари, спортнинг шахмат-шашка тури билан шуғулланиб соғлиқларини тиклаб, доимо тетик юришлари учун барча шароитлар муҳайё.

